



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 17 сентябрь, № 183 (5857)

Сешанба

Қорақалпоғистон Республикаси:

ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК, ИСТИҚБОЛ

хабарлар



Бепойн Устурт кенгликлариди Истиклол шарофати билан ҳайратомуз мўъжизалар юз бермоқда. Бир пайтлар қум барханлари билан қопланган тап-тақир саҳро ўрни боғу роғларга бурканиб, шаҳару овуллар обод ва кўркам киёфа касб этаёттир. Энг муҳими, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар уларнинг фаровон турмушида яққол акс этаётти. Бугун белни маҳкам боғлаб, энгни шимариб, ўз заминини обод қилишга чоғланган қорақалпоқ элининг матонати, ғайрат-шижоати, метин иродасини кўриб, шундай эътирофлар кўнглимиздан ўтиши тайин. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Агар биз она-заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларида товланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз". Бу сўзлар Қорақалпоғистон аҳлига берилган юксак баҳо, ишонч ва эътибор ифодасидир.



Жайхун соҳилидаги жавоҳир

Йигирма икки йил... Кўҳна тарих силсиласида кўз очиб юмғунчалик фурсат. Бироқ ана шу қисқа давр халқимиз тақдирини ниҳоятда катта ўзгаришлар ясади. Асрларга татигулик ютуқлар кўлга киритилди. Кўнгилардан бошланган ободлик умумхалқ ишига, қундалик амалга айланди. Президентимиз ташаббуси билан рўёбга чиқарилган кенг қўламли бунёдкорликлар самараси ўлароқ шаҳару қишлоқларимизга, хонадонларимизга

файзу барака кириб келди. Бунга тобора гуллаб-яшнаб бораётган Нукус шаҳри мисолида яққол амин бўлишимиз мумкин. Худудда мустақиллик йилларида Тошкент аграр университети, Тошкент табиёт педиатрия институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиаллари ташкил этилди. Замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар, кўркам спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Республика шошилич табиий ёрдам маркази, Тошкент ақушерлик-гинекология илмий тадқиқот институтининг Нукус филиали

каби йирик соғлиқни сақлаш муассасалари, жаҳон андозаларига мос шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсата бошлади. Қорақалпоқ маданияти ва санъати ривожига қаратилаётган юксак эътибор ҳам ҳар қанча гурурланишга арзийди. Хусусан, янгидан қурилган Савицкий номидаги давлат санъат музейи бугун дунё эътиборига тушиб улгурди. Буюк боқалонимиз, қомусий олим Мирзо Улғубек, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Бердақ ва Ажиний ҳайкаллари қад ростлаган хийбонлар обод қилинди.

(Давоми 2-бетда).



ТАДБИР

Бугунги кунда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимини изчил ривожлантириш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг узлуқсизлиги ва узвийлигини таъминлаш, уларнинг Ватан равнақи йўлидаги масъулиятини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Юқори малакали кадрлар салоҳияти

Айниқса, раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ҳар томонлама юксалтириш ушбу жараёндаги муҳим масала ҳисобланиб, бу борада аниқ чоратадбирлар олиб борилмоқда.

Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Солиқ ҳамда Банк-молия академиялари томонидан давлат бошқаруви ва иқтисодиёт соҳасида кадрларни тайёрлаш, давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш масалаларига жиддий аҳамият берилмаётгани диққатга сазовор. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил

10 апрелдаги Фармонида асосан қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мамлакатимиз микёсида маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга иқтисодлаштирилган, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ҳамда илмий-амалий изланишлар олиб борувчи олий таълим муассасаларидан биридир. Академияда умумэтироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида билим берилди.

(Давоми 3-бетда).

Абдул Азиз ибн Ҳорун:

Икки томонлама шериклик жадал суръатларда ривожланмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Абдул Азиз ибн Ҳорун "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган сўхбат чоғида юртимизда истиқлол йилларида кўлга киритилган катта ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди:

БИЗ ВА ЖАҲОН

"Миллий истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистонда эришилган улкан муваффақиятлар мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш борасида тўғри ва пухта ўйланган йўл танлаб олинганидан далолат беради, — деди у. — Малайзиянинг Ўзбекистондаги дипломатия миссияси раҳбари сифатида юртингизда мустақил ривожланиш йилларида ҳамда қўламли ислохотлар олиб борилганига шахсан гувоҳ бўлдим".

Малайзиялик дипломатининг сўзларига қараганда, ижобий ўзгаришлар нафақат Тошкентда, балки республиканинг барча ҳудудларида, айниқса, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида замонавий шарт-шароитлар яратилаётган қишлоқ жойларда ҳам кўзга яққол ташланади. Унинг айтишича, бугунги кунда ҳам қишлоқ жойларда кўллаб таълим муассасалари, шифохоналар, спорт мажмуалари, савдо шохобчалари сингари қатор ижтимоий инфратузилма объектилари бунёд қилинмоқда. Элчи мамлакатимизда

халқаро юк ташиш масаласида муҳим аҳамиятга эришилган муваффақиятларни тизимли равишда таъкидлади. "Хадемай, Тошкент билан Фарғона водийсини боғлайдиган темир йўлнинг қурилиши хабаридан ҳам қувондик. Транспорт-коммуникация соҳасининг шу тарафда ривожлантирилиши мамлакатининг жаҳон бозо-

ридаги ҳамда халқаро транзит тизимидаги ўрни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади", деди малайзиялик дипломат.

Абдул Азиз ибн Ҳорун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ҳамда адолатли фойдаланиш муаммолари хусусида фикр юритар экан, бу борада минтақанинг барча давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада рағбатлантириш зарурлигини қайд этди. Унинг айтишича, мавжуд долзарб масалалар жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши орқали Марказий Осиё мамлакатларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиниши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

1233 та янги ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда

Иқтисодиётимизнинг энгил ва тўқимачилик, озик-овқат, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш, машинасозлик, кимё ва бошқа тармоқларида ана шунча объектнинг ишга туширилиши санъат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатларига эришиш имконини берди.

Янгиликлар, воқеалар,

■ Истиклол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида темир йўл тизимини ривожлантириш, соҳада хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий сайёҳлик поезди

Янги темир йўл линияларини қуриш, мавжудларини электрлаштириш, замонавий вокзаллар барпо этиш, вагонлар ишлаб чиқариш, локомотив ҳамда юк саройларини такомиллаштириш каби бир қатор устувор вазифаларнинг изчил рўёбга чиқарилаётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасига киради.

Айтиш жоизки, бу борадаги ишлар қўламли йилдан-йилга ортиб бораётти. Масалан, биргина 2013 йилнинг биринчи ярмида 2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури асосида амалга ошириш доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компанияси лойиҳалари бўйича қиймати 161,8 миллион АҚШ долларига тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. 109,5 километр темир йўл қайта тикланди, 227 та юк ва 15 та йўловчи вагонлари тайёрланди.

Темир йўл транспортининг самарали фаолияти, ўз навбатида, Ўзбекистон туризм салоҳиятининг юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

■ Қорақўл туманидаги "Мустафо Автотранс" корхонасида янги бизнес лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар сони ўн нафарга кўпайди.

Янги лойиҳа, янги имконият

Корхонада пойабзал ҳамда аёллар сумкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 35 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига замонавий технологик ускуналар харид қилинди. Натижада йилга беш минг жуфт эркаклар оёқ кийими ҳамда тўрт минг дона аёллар сумкаси тайёрлаш қувватига эга янги линия ишга тушди.

2013 — 2015 йилларда санъат маҳсулотлари ишлаб

чиқаришни кўпайтириш, мавжуд корхоналар қувватларини ошириш бўйича рўёбга чиқарилган шу каби лойиҳалар самараси катта бўлмоқда. Чунинчи, туманда шу йилнинг биринчи ярмида 34,1 миллиард сўмлик санъат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, юздан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

■ Жиззах шаҳридаги "Ором фаввораси" масъулияти чекланган жамияти томонидан бино ва иншоотларни пардозлашда кенг қўлланиладиган кўруқ аралашма ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бинокорлар буюртмаси асосида

— Корхонамиз ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ, — дейди жамият раҳбари Илҳом Қобилов. — Бироқ ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз хорижликдан қолишмаслиги сабабли буюртмачиларимиз сони тобора ортиб бораётти. Шунингдек, алюмин профилдан тайёрланаётган эшик ва дераза ромларининг ҳам бозори чаққон.

Жамиятда ҳар ойда 150 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари маҳаллий бозорга чиқарилмоқда.

Улғубек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

■ Шу йил коллежни битирган уч дугона — Шаҳноза, Дилдора, Шоҳсанам Избоскан туманида янги ташкил этилган "Шоҳсанамгул текс" масъулияти чекланган жамиятига ишга қабул қилинди.

Коллеж битирувчилари қувончи

Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган 25 нафар чевар томонидан эркаклар учун сифатли билбослар тайёрланаётти. Бунда хориждан келтирилган илғор тивук дастгоҳлари қўл келаяпти. Жамоа дастлабки маҳсулотини экспорт қила бошлади. Натижада қисқа

муддатда хорижликларга 35 миллион сўмликдан зиёд кийим-кечак етказиб берилди. Жорий йилнинг учинчи чорагида бу кўрсаткичи 50 минг АҚШ доллари миқдорига етказиш кўзда тутилган.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси:

ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК, ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Нукуснинг қиёфаси кейинги икки-уч йил ичида бутунлай ўзгариб кетди, — дейди шаҳар бош меъмори Соғинбой Утениязов. — Жумладан, 3,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига қад ростирилган "Алоқабанк"нинг Қорақалпоғистон бўлими биноси, лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмликдан зиёд "Бахт уйи" қошонаси шаҳар хуснига хусн қўшди. Бинобарин, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали драма театри 4,5 миллиард сўм эвазига капитал таъмирдан чиқарилган бўлса, янги барпо этилган "Ёшлар истироҳат боғи" ҳудуд аҳли ва меҳмонлари учун чинакам тўхта бўлди. Эътиборлиси, ана шундай бунёдкорлик ишлари ва минтақанинг барча шаҳару қишлоқларида гувоҳ бўлиш мумкин. Буларнинг бари мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигининг ёрқин далилидир.

Иқтисодий юксалиш одимлари

Албатта, ҳар қандай ҳудуд тараққиётига баҳо берганда, энг аввало, унинг иқтисодий салоҳияти алоҳида тилга олинади. Қолаверса, мазкур соҳа ривож аҳоли турмуш фаровонлигининг муҳим мезони ҳадири. Шу маънода, истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал раванак топиб, янги-янги иш ўринлари вужудга келатгани, одамлар ҳаёт даражаси тобора яхшиланиб бораётгани қувонарлиқдир. Минтақада жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,1 фоизга ўсгани бунга яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга, 916 миллиард 486 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши кўплаб эзгу мақсадлар рўёбига йўл очди.

Жумладан, 2013 — 2015 йилларида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастурга мувофиқ, шу йилнинг ўтган олти ойида 28,4 миллион АҚШ долларлик инвестиция жалб этилиши ҳисобига 741 истиқболли лойиҳа амалга оширилди ҳамда 2718 та иш ўрни яратилди. Эътиборли жиҳати, бу кўзда тутилганидан анча юқори кўрсаткичдир. — Мустақиллик берган имкониятларни қаранг, — дейди Ўзбекистон Қарағачи, таниқли археолог олим Ғайратдин Хожаниязов. —

Мустақилликка қадар шундай фаровон ҳаёт кечиришимизни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдик. Эҳ-ҳе, қай бир ўзгаришларни айтишлик. Бари асрларга татиғулик. Барчаси тараққиётимизни олға силжитмоқда. Биргина Устюртда амалга оширилган кенг кўламли ишларни кўринг. Сурғил қони негизда Жанубий Корея билан ҳамкорликда йилга 4 миллиард кубометр газни қайта ишлайдиган газ-кимё мажмуаси бунёд этилмоқда. Бу ҳазилакам гапми?! Мазкур мажмуа фаолият бошлаши билан йилга 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Қолаверса, 5 мингдан зиёд киши иш билан таъминланади. Қисқаси, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар, истиқ-

ўтган йили бу ерда 2 миллиард 126 миллион сўмлик 443 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 350 тоннаси хорижга жўнатилгани бунинг тасдиғидир. Корхонада меҳнат қилаётган 200 нафарга яқин ишчи-муҳассилнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардан иборат эканлиги эса, айниқса, қувонарли. Туртқул туманидаги "Туртқул Асака Текстиль" масъулияти чекланган жамияти ҳам — шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бундан икки йил муқаддам ташкил этилган ушбу корхонада замонавий хориж технологияси асосида бежирим ва сифатли кийим-кечаклар тайёрланаётгани экспорт ҳажми ортишида муҳим оимил бўлаёпти.



болли лойиҳалар, хайрли ташаббуслар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Технологик янгилиниш самараси

Қорақалпоғистон Республикасида етакчи тармоқларни модернизация қилиш ишлари изчил давом этирилмоқда. Бундай ишлар самараси ялпи ҳудудий маҳсулотда саноятнинг улуши тобора ортишида, экспортга йўналтирилган маҳсулот ҳажми кўпайишида, янги иш ўринлари яратилаётгани ҳамда шаҳар ва овуллар инфратузилмаси ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалаётганида акс этапти. Хусусан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида 6 та йirik энгил саноят корхонасида 65,5 миллион долларлик модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Хўжайли туманида "Elite Stars Textile" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Йилга 5 минг тонна қалава иш ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона маҳсулотлари айна пайт-да, асосан, экспорт қилинмоқда.

— 2011 йилда маҳсулотимизнинг 856,3 минг долларлик қисми хорижлик буюртмачиларга жўнатилган бўлса, ўтган йили бу борада кўрсаткич 1 миллион 79 минг долларни ташкил этди, — дейди корхона бош иқтисодчиси Ғайрат Машарипов. — Бу қисқа даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 12, экспорт миқдори эса 21 фоизга ўсганидан далолатдир.

Яна бир гап. Истиқлол йилларида қашф этилган бой ер ости захиралари, нефть ва табиий газ манбалари, олтин, уран, темир, фосфор, бентонит, каолин, туз, мармар ва гранит сингари ноҳид қазилмага эга Қорақалпоғистон минтақаси кўплаб хорижий шерикларни ўзига жалб этиб, улар билан фойдаланиб ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Пировайда мустақиллик йилларида Оролбўйида газ ва газ конденсати, хўжалик шиша буюмлари, кунгабоқар ёғи, кальцийлаштирилган сода, вермикулит концентрати, талькомагнезит, глицерин каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу борада "Кўнғирот сода заводи", "Қорақалпоқ Верми", "Беруний тальк" каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлаётди. — Юртимизда тadbirkorларга



кўйиши лозимлигини тез-тез такрорлайдилар, — дейди Амударё туманидаги "Амударё соҳили" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Шўҳрат Матқаримов. — Шундан хулоса қилиб, "Амударё соҳили" кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этдик. Ҳозир бу ерда пахта, галла, сабзавот каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан ташқари, чорвачилик билан ҳам шуғулланаёلمиз. Голландиядан келтирилган 110 бош эотдор қорамолларимиз сони яна 60 бошга кўпайди. 2 миллиард 200 миллион сўмлик маблағ эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа натижасида 10 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Ҳозир аҳолига кунига бир тоннадан зиёд етказиб бераёلمиз.

Эътиборли жиҳати, бугунги кунда минтақадаги мавжуд 3380 та фермер хўжалигининг 1653 таси "Амударё соҳили" сингари кўп тармоқли фаолият билан шуғулланиб, эл-юрт тараққиёти, дастурхонимиз тўқинлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Дарҳақиқат, аҳоли фаровонлиги — устувор мақсад. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлохотларнинг асосини ташкил этади. Зотан, йигирма икки йилдирки, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган абдиёт қошонасини барпо этаётган эканмиз, Истиқлолнинг ана шу буюк қошонаси пойдеворию муаззам пештоқларида Қорақалпоғистон ахлининг ҳам улкан ҳиссаси, юрак тафтию қалб ҳарорати бор, десак, асло муболага бўлмайд.

Кўп тармоқли фаолият

Фермерлик — аграр соҳанинг муҳим тармоқларидан бири. Айни пайтда минтақада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми ер эгалари ҳиссасига тўри келмоқда. — Президентимиз фермерлар фақат пахта ва галла етиштириш билан чекланиб қолмай, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга

қўйиши лозимлигини тез-тез такрорлайдилар, — дейди Амударё туманидаги "Амударё соҳили" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Шўҳрат Матқаримов. — Шундан хулоса қилиб, "Амударё соҳили" кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этдик. Ҳозир бу ерда пахта, галла, сабзавот каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан ташқари, чорвачилик билан ҳам шуғулланаёلمиз. Голландиядан келтирилган 110 бош эотдор қорамолларимиз сони яна 60 бошга кўпайди. 2 миллиард 200 миллион сўмлик маблағ эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа натижасида 10 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Ҳозир аҳолига кунига бир тоннадан зиёд етказиб бераёلمиз.

Эътиборли жиҳати, бугунги кунда минтақадаги мавжуд 3380 та фермер хўжалигининг 1653 таси "Амударё соҳили" сингари кўп тармоқли фаолият билан шуғулланиб, эл-юрт тараққиёти, дастурхонимиз тўқинлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Дарҳақиқат, аҳоли фаровонлиги — устувор мақсад. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлохотларнинг асосини ташкил этади. Зотан, йигирма икки йилдирки, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган абдиёт қошонасини барпо этаётган эканмиз, Истиқлолнинг ана шу буюк қошонаси пойдеворию муаззам пештоқларида Қорақалпоғистон ахлининг ҳам улкан ҳиссаси, юрак тафтию қалб ҳарорати бор, десак, асло муболага бўлмайд.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

БРИФИНГ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ошкоралик, муқобиллик ва тенглик

жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг асосий тамойилларидир

Ташкилланганидек, мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлохотлар рўёбга чиқарилаётган. Бу янгилинишлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини ўзида муҷассам этган ноб бошқарув тизими — маҳалланинг роли ҳамда таъсири тобора ошиб бормоқда. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг яқинда қабул қилинган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига таъйёрлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ноқарорлиги мураттаб шў йил ноябрь — декабрда тўғайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайлов ўтказилиши Сенат Кенгашининг мазкур қарори билан белгиланди. Эътиборлиси, бу гапги сайлов жараёнида 9756 нафар фуқаролар йиғини раисини ҳамда уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига таъйёрлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича ишлар бошлаб юборилди, — дейди сенатор Эркин Рўзметов. — Айтиш жоизки, бу борадаги таъйёрлик ишлари анча илгари бошланган эди. Аниқроқ айтганда, 2013 йилда янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлаш

истардимки, кўплаб малайзияликлар мазкур шаҳарларга келиши ва уларнинг бутун дунёга донг таратган диққатга сазовор жойларини ўз кўзлари билан кўришни орзу қилаётган". Сўхбат якунида Абдул Азиз ибн Ҳорун халқимизни Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этар экан, барча юртдошларимизга ўзининг энг эзгу тилақларини изхор этди. «Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Абдул Азиз ибн Ҳорун:

Икки томонлама шериклик жадал суръатларда ривожланмоқда

Малайзия дипломатия миссияси раҳбари таъкидлаганидек, ўзбек заминидан 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро тинчлик-хотиржамликда ёнма-ён яшаб, меҳнат қилишмоқда ҳамда уларнинг барчаси Ўзбекистонни ўзларининг умумий Ватани, деб билади. Элчининг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида

тенглик ҳамда бағрикенглик тамойилларининг мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминланшига хизмат қилмоқда. Хорижлик дипломат Малайзия — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг

ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига ҳам атрафлича тўхталиди. "Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён барча соҳаларда, айниқса, сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий жабҳаларда икки томонла-

ма шериклик алоқалари жадал суръатларда ривожланмоқда, — деди у. — Мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари Ўзбекистон ва Малайзия фуқаролари учун маданий-гуманитар ҳамда ишбилармонлик му-

носабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш имконини бермоқда. Шу ўринда Ўзбекистон ганжалари ҳисобланадиган Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хива сингари шаҳарлар Малайзияда ҳам жуда машхур эканлигини қайд этишни

Одил судлов ва халқаро амалиёт

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуринда Суд қонунчилигини демократлаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда "Суд амалиёти ва одил судлов стандартлари: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Мамлакатимизда демократик ишлохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-

ни ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида уюштирилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий суд ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар судлари судьялари, Адлия вазирлиги ҳузуриндаги Республика Юристарлар малакасини ошириш маркази ходимлари ҳамда АҚШлик судьялар — Ж. Танхайм, Р. Корди ва Жанубий Техас университети профессори, доктор А. Мозаяни иштирок этди.

нинг амалга оширилиши билан мамлакатимизда дунёдаги энг либерал жиноий ҳазо тизимларидан бири яратилди. Эътиборлиси, жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ бу кенг кўламли ишлохотлар самараси ўларок, ҳозирги пайтда қамоқдагилар сони бўйича Ўзбекистон жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичга эга бўлиб турибди.

Кизгин баҳсларга бой тарзда ўтган тадбирда Концепция асосида ишлаб чиқилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш миссияси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва ҳозирги ишлохотлар жараёнидаги аҳамияти ҳусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, бу ҳўзат суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўланиб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш тасдиғидир. Ҳозирги пайтда юртимизда 53 та жиноят бўйича бу институт қўлланаётгани унинг кўлами ва аҳамиятидан дарак бериб турибди.

ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда қамда беш йил иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланши белгилаб қўйилганлигини юқори баҳолайман.

АҚШлик судьялар корпуси бу борадаги янги тартиб — вилоят суди, унинг малака ҳайъати судьялар захирасини шакллантиришда иштирок этиши ҳамда захиран ишқилантириш ишига Олий малака комиссияси раҳбарлик қилишига ижобий муносабат билдиришди. Эндилкида ушбу заҳира Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг судья кадрлари захираси деб аталади. Заҳира 400-500 кишидан иборат бўлиб, у доим янгилаб борилади.

Олий малака комиссияси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда захирада турган ёки судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар касбий сваясини тубдан яхшилаш таъминлаш масъулияти юклатилган бўлиб, ҳозир бу йўналишда ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. — Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўналишида катта тажриба тўпланган, — дейди Жанубий Техас университети профессори, доктор А. Мозаяни. — Президент

Ислом Каримовнинг ўтган йили қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чоратadbirkorлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга қўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, унда суд органларининг давлат бошқарувидаги ўрнини янада ошириши таъминлаш, мустақил суд иш юритишу учун ҳуқуқий, ижтимоий кафолатни кучайтириш, суд органлари ходимлари ижтимоий маъқени ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олинган бўлиб, бунинг замирида суд ҳокимияти мустақиллигини янада кенгроқ таъминлаш ҳамда шу орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш мақсади муҷассам. Тизим ишлохотлари шу тарзда давом этар экан, ушбу мақсадга эришилади, деб ишонч билан айтиш мумкин.

— Анжуманда одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ халқаро тажриба ва бу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди, — дейди жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди судьяси У. Мамадалиев. — АҚШлик ҳамкасбларимиз билдирган фикр-мулоҳазалар бизда катта қизиқиш уйдотди. Буларнинг барчаси иш фаолиятимизни янада кучайтиришда қўл келади, деб ўйлайман.

Тадбирда АҚШлик судьялар суд-ҳуқуқ йўналишида тўпланган халқаро тажрибалар ҳусусида, ўз амалий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, атрафлича маълумот беришди. Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Реклама ўрнида

ЖАҲОН

24 соат ичида

Даромад — нафақадан...

Жорий йилнинг олти ойи якунлари бўйича Европа Иттифоқига аъзо давлатларда ишсизлик даражаси 0,1 фоизга пасайган.

“Евроньюс” телеканалнинг “Eurostat” ташкилоти маълумотларига таяниб хабар беришча, бу борада 2011 йилдан буён ижобий томонга ўзгариш кузатилмапти. Айниқса, бандлик масаласида Европа жанубидаги мамлакатларда ахвол янада мураккаблашган. Масалан, ҳозир Греция ва Испанияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг чорак қисми-

дан кўпи ишсизлик нафақаси эвазига кун кечирмоқда. Маълумки, жорий йилнинг июнь ойида Европа Иттифоқида иқтисодий инқироз ортада қолгани ҳақида маълумотлар тарқатилган эди. Аммо экспертлар меҳнат бозорига вазиёт ўнганмасдан туриб, бу ҳақда гапиришга шошилмаган маъқул, деган фикрни билдиришапти.

Соҳилдан олиб кетилади

Ўтган йилнинг январь ойида Италия соҳилларида ҳалокатга учраган “Costa Concordia” саёхат кемасини сув остидаги қоядан ажратиш олиш ишлари бошланди.



Мазкур тадбирни ўтказиш учун қарийб бир ярим йил давомида тайёрларлик кўрилди. Режага кўра, оғирлиги 114 минг тоннадан кўпроқ бўлган кемага дастлаб махсус платформа ўрнатилди. Мутахассислардан бирининг айтишича, энг асосий муаммо кемани вертикал ҳолатга келтириб олишдир. Шундангина уни портага тортиб олиб бориш нисбатан осонроқ кечади. Мазкур тадбирга жами 500 нафар мутахассис жалб этилган. Бу мақсад учун 600 миллион евродан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. “Costa Concordia” Жильо оролида сув ости қоясига урилиб кетиши натижасида ҳалокатга учраган. Ушанда унинг бортида бўлган тўрт минг саёхатчидан 32 нафар хатдан кўз юмган. Икки киши эса бедарак йўқолган.

Табиий офат талафотлари

Мексиканинг Веракрус ва Тамаулипас штатларида кузатилаётган “Мануэль” номли кучли тўфон ва “Ингрид” бўрони мазкур ҳудудларда катта талафотларга сабаб бўлмоқда.

“Рейтер” ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмган. Олти мингдан зиёд аҳоли ва-

киллари яшаш жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Мамлакатнинг бир нечта штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.



Японияда эса “Мань” тўфони кириб келгани боис мамлакатнинг 20 та префектурасида эвакуация ишлари олиб борилмоқда. Табiiй офат Кунчиқар юрт марказидаги Сига, Фукуи ва Киото префектураларида жид-

дий талафотларни келтириб чиқариши мумкинлиги айтилмоқда. Чунки тўфон айнан шу ҳудудлар орқали кириб келган. Бу ерларда қисқа вақт ичида ёгингарчилик миқдори 500 миллиметрча етган. Кўчки ва сув тошқинлари кузатилиш хавфи анча юқори. Тўфон туфайли мамлакатда транспорт ҳаракати ҳам издан чиқди. Жумладан, 500 та рейс бекор қилинган ҳамда поездлар қатнови вақтинча тўхатиб қўйилган.

Қизиқишга сабаб бўлган кашфиёт

Алабама (АҚШ) штатидаги Оберн университети тадқиқотчилари итларни масофадан туриб бошқарадиган курилма яратди.

Инженер-механиклар Жефф Миллер ва Дэвид Бевли ҳамкорлигида эришилган бу янгиллик шундан иборатки, итлар махсус товушлар ёрдамида ҳаракатланганда, Бунинг учун жониворларнинг қорин қисмига махсус товуш қабул қиладиган мослама ўрнатилган. У пулть орқали бошқарилади. Итлар товушларининг оҳангига қараб юриши, тўхташи, бирор топшириқни бажариши мумкин. Айни пайтда мазкур кашфиётга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан катта қизиқиш билдирилмапти.

Ҳосил чўғи кам

Сайёрамизда қакао етиштириш ҳажми тобора камайиб бораёпти, дейилади Қакао халқаро ташкилоти (ICCO) тарқатган маълумотда.



Бунга турли табиий ва нотабiiй омиллар сабаб бўлмоқда. Масалан, ай-

рим ҳудудларда экин яхши парваришланмаётган бўлса, жаҳон бўйича энг кўп қакао етиштириладиган Африкада ёгингарчиликлар меъёридан кам кузатишмоқда. Шу боис жорий йилда одатдагидан 52 минг тонна кам маҳсулот йиғиштириб олингани маълум қилинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Юқори малакали кадрлар салоҳияти

(Давоми. Бошланғич 1-бетада).

Таълим жараёнида ходимлар ва тингловчиларнинг инглиз тилини мукаммал ўзлаштиришлари катта эътибор қаратилаётгани унинг, айниқса, хорижий ўқув муассасалари билан ўзаро алоқаларини кенг йўлга қўйишга замин яратмоқда. Шунингдек, таълим муассасасида ташкил этилган “Президент асарлари ўқуви”да мамлакатимиздаги ислохотлар жараёни, янгиланиш ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти

етук мутахассислар, таниқли олимлар томонидан мунтазам ёритиб келинаётгани, ўз навбатида, тингловчилар салоҳиятини янада юксалтиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Айтиш жоизки, айни пайтда Солиқ, Банк-молия академияларида ҳам ана шу йўналишда кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётди. Натижада бозор ислохотларини чуқур тушунадиган, реал сектор тармоқларида ишлаш оладиган юқори малакали кадрлар иқтисодиётимиз

тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Албатта, бунда маърузачиларнинг таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, замонавий таълим стандартлари асосида олиб борилаётган ислохотлар фаолият муҳим аҳамиятга эга бўлаётди. Кўни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган маънавий етук ва ватанпарварлик ғоялари билан шакланган, бугунги давр талабларига жавоб берадиган раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги вазифалар ижроси масалаларига бағишланган анжуманда ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Зиёда АШУРОВА.

Сунъий қўллар саховати

Ромитан туманидаги “Обод” корхонаси раҳбари Ихтиёр Тўраев ташаббуси билан ўн гектарлик сув ҳавзасида балиқ етиштириш йўлга қўйилганди.

ХАЗИНА

Вилоятда балиқчиликни рағбатлантириш дастури доирасида амалга оширилган бу иш ўз самарасини берди. Шу кунга қадар “Обод”нинг балиқчилари эл дастурхонига уч тоннага яқин лўқмаи ҳалол тортиқ этдилар. — Мазкур дастур ижросини таъминлаш, балиқчилик хўжалиқларига ёрдам кўрсатиш бошқармаси жамоаси зиммасига юклатилган, — дейди Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси бош му-

тахассиси Баҳодир Файзиев. — Шундан келиб чиққан ҳолда ходимларимиз энг чекка қишлоқларда бўлиб, бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаётганлар. Натижада шу йилнинг ўтган давридаёқ ўттиздан ортиқ балиқчилик хўжалиги тузилиб, юздан зиёд иш ўрни яратилди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, вилоятда айни дамда балиқчиликка ихтисослаштирилган 112 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар кучи билан жорий йилда ички бозорга 200 тоннага яқин балиқ етказиб бериш кўзда тутиляпти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

тизимдаги корхоналарга қуйидаги йўналишларда мутахассисларни ишга таклиф этади:

- Ахборот-коммуникация технологияларини стратегик режалаштириш ва прогноزلантириш.
• Бизнес-жараёни қайта ташкил этиш.
• Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш.
• Электрон ҳуқумат архитектурасини лойиҳалаштириш.
• Ахборот тизимларини лойиҳалаштириш.
• Ахборот технологияларини экспертизадан ўтказиш.
• Маълумотлар базасини ривожлантириш.
• Ахборот ресурсларини ривожлантириш.
• Ягона интерактив давлат хизматлари портални ривожлантириш.
• Электрон ҳуқумат тизими фойдаланувчиларининг ягона идентификациялаш тизимини ривожлантириш.
• Идораларо маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш.
• Молия-иқтисод таҳлили.
• Эркин ва очик кодли дастурий таъминот.
• АКТ бўйича менежер ва консультант.
• Интернет тармоғи хавфсизлиги.
• Компьютер ҳодисаларига тезкор чора қўриш.
• Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларини ривожлантириш.
• Ахборотлаштириш объекларини аттестациялаш ва экспертизадан ўтказиш.

Номзодларнинг чет тилларини билиши қўллаб-қувватланади.

Номзодлар объективка-маълумотномаларини Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг кадрлар бўлимига 2013 йил 25 октябрга қадар қуйидаги манзилга тақдим этишлари лозим: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй ёки электрон почта орқали: HR@ccitt.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси

моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади. Ушбу таклифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилган бино-иншоотлар қўйиматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади. «Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 17 октябр кўни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган: 1. Самарқанд тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 2 сентябрдаги 14-1207/6258-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Богибаланд» ҚФЙ, Ўзбекистон маҳалласида жойлашган, «А» литердаги маъмурий бино, фойдаланиш майдони 160,05 кв.м., «Д» литердаги ем цехи, фойдаланиш майдони 195,02 кв.м., «Е» литердаги омборхона, фойдаланиш майдони 1630,92 кв.м.дан иборат бўлган молхона биноси. Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм. 2. Тайлоқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 июндаги 14-1315/5122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы: Изол и фольгоизол собственного производства на стеклотканной основе. Выполняем все виды кровельных работ с гарантией. Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.

Бугун мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва гамҳўрлик туфайли кўплаб иқтидорли ҳамда истеъдодли тенгдошларимизнинг орзулари рўёбга чиқмоқда. Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида қулай ва зарур шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, тадбиркорлик учун яратилган кенг ҳуқуқий, ташкилий имкониятлар боис ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, тенгдошларини иш билан таъминламоқда.

Ёш ишбилармонларнинг яқин кўмакчиси

Болалигимдан кулоллик қизиқаман. Шу туфайли ҳам туманимиздаги миллий хўнарамандчилик касб-хўнара коллежида таълим олдим. Ўқиб юрган кезларимда коллежимизга “Микрокредитбанк” вакиллари келиб, банкдан кредит олиш тартиби, имтиёзлари борасида аниқ ва тўлиқ маълумот беришди. Бундай жонли тадбирлар бир неча бор ўтказилган сўнг ўзимизга бўлган ишончимиз янада ортди. Коллежни битириш арафасида кулоллик устахонасини очиб, иш бошлашга қарор қилдим. Бизнесрежа тузиб, зарур дастгоҳ ва хом ашё сотиб олиш учун кредит олиш мақсадида “Микрокредитбанк”-

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Олий ва ўрта махсус, касб-хўнара таълимини ривожлантириш маркази. «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 26 июлдаги № 145 (5819)-сонидан республика олий таълим муассасалари учун 2013 йилда ўқув адабийларини чоп этиш бўйича махсус рўхсатга эга бўлган нашриётларни тендерда қатнашишга таклиф қилган бўлиб, тендернинг якуний натижалари бўйича ғолибларни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. 1-лот ғолиби Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти; 2-лот ғолиби «Тафаккур бўстони» МЧЖ; 3-лот ғолиби «Чўлпон» номидаги НМИУ; 4-лот ғолиби Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси УК; 5-лот ғолиби «Тафаккур бўстони» МЧЖ; 6-лот ғолиби «Ворис нашриёти» МЧЖ; 7-лот ғолиби «Сано стандарт» МЧЖ; 8-лот ғолиби Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси УК.

ТАШКИЛОТ фойдаланилган «ISUZU» русумидаги автобусларни сотади. Тўлов шакли — турлича. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 263-38-82, (+99890) 162-63-31, 162-54-94.

У МАГАЗИН-САЛОН ИШИ. Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения. IP камеры: Dahua, GeoVision, Hikvision для цифровых систем видеонаблюдения. Товар сертифицирован. Setko СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ. Обеспечение пропускного режима. Контроль и учет рабочего времени. До 30 000 пользователей на систему. Категоризация доступа в помещения. Широкий ценовой диапазон. 238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

Замонавий сайёҳлик поезди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Хусусан, кейинги йилларда Самарқанд, Бухоро, Қарши йўналишларида "Registon", "Sharq" ва "Nasaf" тезуар поездлари, Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарлари ораллигида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди, шунингдек, сайёҳлар учун мўлжалланган "Afsona" поезди қатновининг йўлга қўйилгани юртимиз темир йўл тизими хизматидан фойдаланувчиларга катта қулайлик яратди.



Шулардан келиб чиқиб, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли "Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи" ОАЖда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган вагонларни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Миллий ва замонавий услубда жиҳозланаётган бундай вагонлар ичига қадим қўра экансиз, ўзингизни худди мўъжаз бир меҳмонхонага ташриф буюргандек ҳис қиласиз. Чунки ҳар бир купеда сафарни мароқли, роҳатлиб ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган.

"Шарқий Ипак йўли экспресс" (Orient Silk Road Express) поезди ҳам мазкур йўналишдаги ташаббуслардан яна бири, дейиш мумкин. Ушбу лойиҳа "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компанияси "Ўзтемирйўлўловчи" ОАЖ ва "Lernidee Erlebnisreisen GmbH" немис компанияси ҳам-



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

корлигида амалга оширилди. Кеча "Тошкент — Марказий" темир йўл вокзалидан "Шарқий Ипак йўли экспресс" дастлабки — "Тошкент — Қамаш — Китоб — Бухоро — Урганч — Самарқанд — Тошкент" йўналиши бўйлаб йўлга чиқди.

Шу муносабат билан ўтказилган тақдирот маросимида тегишли вазирлик ва идоралар, сайёҳлик компаниялари ҳамда фирмалари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Махсус жадвалга асосланган ушбу поезд айнан ўзимизда ишлаб чиқарилган ва модернизация қилинган 8 та вагондан иборат бўлиб, уларда ювиниш хонаси, телевизор, совитиш ва иситиш тизими, ресторалар ҳамда яна шу каби қатор қулайликлар мавжуд. Хоналарнинг ҳар бирига тарихий шаҳарларимиз қиёфаси акс этган суратлар, ҳунармандлик буюмларидан намуналар жойлаштирилган. Яъни купелар дизайнига ўзига хос миллийлик руҳи сингаририлган.

— Хорижлик сайёҳларнинг мам-

лакатимиз темир йўл транспортдан фойдаланиши, албатта, мазкур тизим ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди "Ўзтемирйўлўловчи" ОАЖ Туризм, реклама ва маркетинг тадқиқотлари агентлиги бошлиғи Фозил Шарипов. — Бунга эътиборга олган ҳолда, йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатишга интилоқдамиз. Сафар давомида меҳмонлар юртимизнинг тарихий шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишадилар.

— Мен жуда кўп давлатларда бўлиб, йўловчи поездларида саёҳат қилганман, — дейди германиялик сайёҳ Ренате Пипер. — Лекин Ўзбекистондаги каби мана бундай ажойиб, барча қулайликларга эга поездларни сира кўрмаганман. Вагонга кирган захотингиз, саранжом-саришталикдан, купелардаги шинамликдан, айниқса, очик чечрәли ходимларнинг ширин муомаласидан кайфиятингиз кўтарилади. Ўзингизни эркин ҳис қиласиз. Сафарингиз мароқли ўтишида, албатта, бу жиҳатлар ҳам муҳим ўрин тутади. "Шарқий Ипак йўли экспресс"нинг биринчи йўловчиси эканимдан жуда хурсандман. Танланган дастлабки йўналиш мен учун қизиқ. Яъни Тошкентдан чиқиб, Қамаш, Китоб, Бухоро, Урганч ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб уюштирилиши режалаштирилган ушбу саёҳатдан кўпдан-кўп таассуротлар билан қайтиш умидидаман.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муносиблар — республика босқичида

Бу гаги "Келажак овози" иқтидорли ёшлар танловининг Фарғона вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Қўқонда яқинда иш бошлаган Ёшлар марказида бўлиб ўтди.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган мазкур танловда қатнашиш истагида бўлган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. Биргина Фарғона вилоятида танловнинг тўртта йўналиши бўйича 7800 нафар талабгордан ариза тушди. Туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни эгаллаган 1281 нафар излашчи, билими ва маҳорати йигит-қиз вилоят босқичида қатнашиш шарафига мушарраф бўлишди. Улардан 40 нафари республика босқичида ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилишди.

— Мен коллеж талабаси бўлган кунимданок, "Келажак овози" танловида иштирок этишни орзу қилар эдим, — дейди Фарғона нефть ва газ санъати коллежи талабаси Камрон Маҳмудов. — Танловга манзарали майсаларни сугориниш янги асра технологияси лойиҳасини тақдим этдим. Бу тақдирим кўпчиликка маъқул келди. Танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими билан бирга ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда мутахассислар томонидан касб танлаш, касбга йўналтириш, ишга жойлашиш маданияти ҳақида қимматли маслаҳатлар, зарур маълумотлар берилди. Қайд этиш лозимки, сўнгги тўрт йил ичида вилоят бўйича 800 республика босқичида ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРДАН 13 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. «Авотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2013 йил 23 августдаги 64-Б-сонли буйруғи.
2013 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2506 (2013 йил 16 сентябрдан кучга кирди).
2. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозими маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 29 августдаги 4, 65-СП, 80-сонли қарори.
2013 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2507 (2013 йил 16 сентябрдан кучга кирди).
3. «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан қўйиш учун талабнома тузиш, таъширлаш ва хўриб чиқиш қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2013 йил 8 августдаги 107-сонли буйруғи.
2013 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-2 (2013 йил 16 сентябрдан кучга кирди).
4. «Санаят хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташқиқотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш учун туловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низоми» 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қадрини геологик ўрганиш, санаятда, қончилиқда ва коммунал-механик секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2013 йил 4 сентябрдаги 115-сонли буйруғи.
2013 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2105-2 (2013 йил 16 сентябрдан кучга кирди).

- II. Давлат реестридан чиқарилди:
1. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозими маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарор (рўйхат рақами 2423, 2013 йил 5 февраль), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тасдиқланган.
Адлия вазирлигининг 2013 йил 9 сентябрдаги 271-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.
Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ
2014 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ва мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:
♦ Макроиқтисодиёт.
♦ Минтақавий иқтисодиёт.
Хужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.
Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (8-371) 237-10-46, 237-26-32.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Жаҳон кубоги йўлланмаси — ҳамюртимизда

Аввал хабар берганимиздек, 13 — 15 сентябрь кунлари Бўстонлик туманидаги "Алпур" от спорти клубида от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси III саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик чавандозлардан ташқари, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган 50 нафар маҳоратли спортчи конкур — тўсиқлардан от сакратиш йўналиши бўйича ўзаро беллашдилар.

ХАЛҚАРО ТУРНИР



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Таъкидлаш жоизки, от спортининг мазкур тури ёғи Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган. Шу боис конкур бўйича ўтказиладиган беллашувлар ҳар доим мurosасиз курашларга бой кечади. Чунки спортчилар айнан шундай

турнирлар орқали жаҳон кубогига йўлланма олади-лар ва ундаги муваффақият-ли иштироки орқали Олимпиада ўйинларига лицензия берувчи муҳим рейтинг очколарига эга бўладилар. Юртимиз мезбонлик қилган Марказий Осиё лигаси III саралаш босқичида ҳар бир иштирокчи ўз олдига ана шу максадни қўйган ҳолда беллашувларга киришди. Яқунда ҳамюртимиз Умид Комилов бош совринни кўлга киритди ва келаси йўли ўтказиладиган жаҳон кубогининг финалида иштирок этадиган бўлди. Тажрибали чавандозимиз олдинги икки босқич якунларига кўра асосий таъкибчиларидан 5 очко ўзиб кетган эди. Бу сафар ҳам у пешқадамликни сақлаб қола олди. — Жаҳон кубогининг финалига чиқиш ҳар бир чавандоз учун катта шараф, — дейди спортчимиз. — Бу менга насиб этганидан жуда бахтиёрман. Чунки биз, атлетлар мамлакатимизда спорт ривожига қара-

тилаётган юксак эътибор ва бу борада яратилган имкониятларга фақат ана шундай нуфузли мусобақаларда муваффақиятга эришиб жавоб қайтара оламиз. Насиб бўлса, жаҳон кубогига ҳам муносиб иштирок этиб, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёғи Олимпиада ўйинлари лицензияларидан бирига эгалик қилиш учун бор маҳоратимни ишга соламан.

Мусобақа доирасида, шунингдек, "Ҳамдўстлик кубоги", Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз от спорти федерацияси соврини учун ҳам беллашувлар ташкил этилди.

"Ҳамдўстлик кубоги"да Даврон Рўзимухамедов, Мирзохид Мусаев, Бекзод Курбонов ва Аваз Абдуҳақимовдан иборат Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси соврини учун ўтказилган бахсда эса ҳамюртларимиз — Аваз Абдуҳақимов (130 см.), Темур Содиков (135 см.), Бекзод Курбонов (145 см.) олтин медалларга сазовор бўлди. От спорти федерацияси соврини учун кечган беллашувда эса Аваз Абдуҳақимов (140 см.) ғолиб чиқди. 14 ёшгача бўлган чавандозлар ўртасида ташкил этилган турнирда ҳамюртларимиздан Абдулазиз Собиржонов ва Абдушуккур Собиржонов биринчи ҳамда учинчи ўринларни банд этди. Қирғизистонлик Комил Собитов кумуш медаль билан тақдирланди.

Ғолиблар аниқланди

Пойтахтимизда теннис бўйича ўн бешинчи бор ташкил этилган "Tashkent open — 2013" халқаро турнирида сербиялик Бояна Йовановский бош совринни кўлга киритди. Маҳоратли ракетка устаси ҳал қилувчи баҳсда беларуслик Ольга Говорцовани 4-6, 7-5, 7-6 ҳисобида мағлуб этди. Жуптликлар ўртасида эса Ярослава Шведова ва Тимея Бабос (Қозоғистон/Венгрия) тандемига тенг келадиган рақиб топилмади. Мазкур дуэт финалда Менди Минелова/Ольга Говорцова (Люксембург/Беларусь) жуптликдан бир хил — 6-3, 6-3 ҳисобида устун келди.

Фазлидин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Tashkent open — 2013»



3D технологияли кинотеатр

Наманган шаҳридаги "Истиқлол" кинотеатри биноси мукамал таъмирдан чиқарилгач, ушбу иншоот замонавий қиёфа касб этди.

ҚУЛАЙЛИК

Таъмирлаш жараёнида томошабинлар учун қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ўриндилар янгилиниб, замонавий ёритиш ускуналари ва киножозлар ўрнатилди. Қўшимча равишда фильмларни 3D технологияси асосида намойиш қилишга мўлжалланган зал ташкил этилди. Бу тадбирлар учун 136 миллион сўмлик сармоа йўналтирилди. Янгиланган маданият ва санъат қошонаси тақдироти кино мухлислари учун чинакам байрамга айланди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ
катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига
2014 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:
* Тупроқшунослик — 2 ўрин.
* Агропроқшунослик ва агрофизика — 2 ўрин.
* Агрокимё — 1 ўрин.
Танлов мuddати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.
Қабул «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талаблари» асосида амалга оширилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарноса кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-371) 246-09-50, 246-07-23. Факс: (8-371) 246-76-00.
Тошкент давлат техника университети қошидаги "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонаси жамоаси лаборатория мудир, техника фанлари номзоиди Йўлдош САЛИМСАКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЕМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5

Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.